

Ўзбекистон Афғонистонга инсонпарварлик юки юборди



16:19 / 21 марта 551

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон халқига инсонпарварлик юки юборди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ Афғонистон аҳолисига қарийб 200 тонна озиқ-овқат маҳсулоти ортилган юк Балх вилоятига етказилди.

Инсонпарварлик ёрдами таркибидан ун, буғдой, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар, тез тайёрланадиган таомлар, қизил ловия ва мош ўрин олган.

Шунингдек, Мозори Шариф шаҳрида ўтказилган икки томонлама учрашувда Ўзбекистон томонидан Афғонистонда барпо этилаётган Имом Бухорий мақбараси қурилиши ҳақида ҳам алоҳида фикр алмашилди. Афғонистон расмийлари Ўзбекистон Президенти ва халқига қўрсатаётган ёрдам учун миннатдорлик билдириб, яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикларини йўллашди.

Манба: platina.uz